

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан



06:10 / 03.09.2018 3734

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган эдик, ансорийлардан бир киши келиб, у зотга салом бердида, сўнга ансорий орқасига қайтиб кетаётган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Эй ансорийнинг биродари, дўстим Саъд ибн Убоданинг (аҳволи) қандай?**» дегандилар, у ансорий: «Дуруст», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Сизлардан ким унинг ҳолидан хабар олгани боради?**» деб, ўринларидан турдилар. Биз ҳам у зот билан бирга турдик. Биз ўша пайтда ўн нафардан кўпроқ эдик. Бирортамизда ковуш ҳам, махси ҳам, дўппи ҳам, кўйлак ҳам йўқ эди. Бизлар шўр ерларни босиб ўтиб, ҳатто Саъд ибн Убоданинг ҳузурига келдик. Атрофида ўтирган қавмлари орқага ўтишди, ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зот билан

бирга борган саҳобалар эса Саъд ибн Убодага яқин ўтиришди.

Имом Муслим ривоятлари.